Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 138 (3639)
ДУШАНБА
19 ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«САЛЮТ-6»—«СОЮЗ-29»

КОСМИК КОМПЛЕКСИ ОРБИТАДА

ТАСС АХБОРОТИ

1978 йил 17 июнда «Союз-29» космик кемаси билан «Салют-6» станцияси туташтирилди. Станция шу йил 16 мартдан бери автомат режимда учаётган эди. «Союз-29» кемаси станциянинг ўтиш бўлмасида жойлашган туташтирувчи узелга туташтирилди.

Космонавтлар В. В. Коваленок билан А. С. Иванченков станция ичига ўтгач, Ер атрофя орбитасида киши бошқарадиган «Салют-6»—«Союз-29» илмий-тадқиқот комплекси ишлай бошлади.

Орбитал комплекс экипажлари космонавтлар Романенко билан Гречко бошлаган тадқиқот ва экспериментларни давом эттиради.

Орбитал комплекс ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Космонавт В. В. Коваленок ва А. С. Иванченков ўртоқлар «Салют-6»— «Союз-29» комплексининг бортида иш программасини бажаришга киришдилар.



1-босмахонада чоп этилаётган ижтимоий-сиёсий китоблар, дарсликлар, нинг полиграфик жиҳатдан юқори сифатда бўлишида муқова цехининг пресловчиси Дилором Алимованинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У зиммасидаги вазифага юксак масъулият билан қараб, смена топшириқларни ортиғи билан бажармоқда, ҳамма маҳсулотнинг юқори сифатда тайёрланишига муваффақ бўлмоқда.

И. Шомноғомов фотоси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМАНДИРЛАРИ СЕМИНАРИ

Шаҳар саноат корхоналари раҳбарларининг малакасини ошириш семинарининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Семинарни ўтказиш учун агрегат заводи танланди. Бу ерда меҳнатни ташкил этиш ва планлаштиришнинг илғор системаси юрий этилганлиги туфайли ишлаб чиқариш самарадорлигининг юксак даражасига эришилган, 70 процентдан зиёд буюмлар Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда.

Иқтисод фанлари кандидати, Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти Ш. А. Йўлдошев корхона директорлари ва бош инженерлари олдида «КПСС XXV съезди талаблари асосида планлаштириш ва ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш» тўғрисида доклад қилди. Агрегат заводининг директори О. В. Новицкийнинг сўзи диққат билан тингланди. У корхона коллективининг ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ва механизациялаштириш соҳасидаги иш тажрибалари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Корхонада ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш йўллари ҳақида завод ҳаваскорлик киностудияси суратга олган «Бош йўналиш» ҳужжатли фильми докладни тўлдирди.

Сўнгра шаҳар корхоналарининг раҳбарлари заводнинг цехлари ва участкалари бўйлаб экскурсия қилдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев иштирок этди.

Кам маблағ сарфлаб, кўпроқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқарайлик

Мажбуриятга қўшимча

Владимир Разумов Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли тажриба-механика заводидаги энг пешқадам токарлардан бири ҳисобланади. У йил бошида беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун бошланган ҳаракатга қўшилиб, шахсий беш йиллик планни уч йилда бажаришга аҳд қилган эди. Бир вақтнинг ўзида икки дастгоҳда ишлаш унга катта муваффақият келтирди.

БУГУН

у тўрт йиллик планни бажарганлиги ҳақидаги рапортга имзо чекди. Корхонада меҳнат қилаётган Юрий Запрягаев, Собир Каримовлар етакчилик қилаётган бригадалар ҳам ана шундай маррани эгаллашди.

Пешқадам коллективлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллик кунига қадар беш йиллик топшириқни бажариш ҳақида қўшимча мажбурият олишди.

Ярим йиллик план тайёр


БУГУН

4-дон маҳсулотлари комбинати коллективи йил бошидан бери 24,5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилиб, ярим йиллик планни муддатидан аввал бажарди.

Коллектив бу маҳсулотнинг асосий қисмини биринчи сортга топширди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, ёнилғи ва энергетика ресурсларини тежаш бўйича ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритди.

Ўтган йилги социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун Бутуниттифоқ кўчма Қизил байроғини қўлга киритган коллектив бу йил СССР янги Конституцияси кунига қадар уч йиллик топшириқни бажариш учун зўр бериб ҳаракат қиляпти. Ҳозир айниқса 1. 2-гуруч цехларида иш жадал суръатлар билан давом этяпти. Бу цехлардаги Ю. Исроилов, Р. Муҳаммеджанов, Н. Шокиров ўртоқлар бошлиқ бригадалар вақтдан унумли фойдаланиш, машиналарнинг бетиним ишлашини таъминлаш орқали графикдан ўзиб меҳнат қилишяпти. Комбинатнинг дарвозасидан ҳар куни Тошкент, Андижон, Наманган каби шаҳарларнинг савдо тармоқларига 250-255 тонна сифатли гуруч жўнатиляпти.

Комбинат коллективи июнь ойи охирига ярим йиллик планга қўшимча камида 2.8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.



Анатолий Лимонов агрегат заводининг илғор сиялиқловчиларидан саналади. Яқинда у ўнинчи беш йиллик топшириғини бажариб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Ҳамкасблари пешқадам ишчини бу зўр меҳнат ғалабаси билан табриклашди.

СУРАТДА: сиялиқловчи Анатолий Лимонов.

• *Комсомоллар вахтаси*

ТЕЖАЛГАН ЁНИЛҒИ ҲИСОБИГА

Тошкент локомотив депоси эксплуатация цехининг 350 дан зиёд комсомол ва ёшлари Гаванада бўладиган жаҳон студентлари ва ёшларининг навбатдаги фестивали шарафига ўтказиладиган Бутуниттифоқ шанбалигида қатнашишга бел боғладилар. С. Пятаков, Э. Турдибоев, Г. Петросян сингари илғорлар бошлиқ комсомол бригадалари шанбалик кунида локомотив поездларини йўлга олиб чиқадилар ва тежаб қолинган ёқилғи ҳисобига планга қўшимча юзлаб тонна халқ хўжалик юкларини манзилларига етказиб берадилар.

Корхонанинг ёшлари ана шу куни цехнинг территориясини ободонлаштириш д а, транзит депосининг паркини ораста қилишда қатнашадилар, учта тепловозни жорий ремонтдан чиқарадилар.

Шанбаликдан тушган маблағлар беш йиллик фондига ўтказилади.

Республика бўйлаб

МЕХАНИЗАЦИЯ ЗИММАСИГА

Мирзачўл районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида 800 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси қурилди. Бу ерда ҳамма ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилган. янги машина-ускуналар билан таъминланган ветеринария лабораторияси ишлаб турибди. Комплексни «Иржарсовхозстрой» трестига қарашли 15-механизациялашган кўчма колонна қурган. Беш йиллик охиригача Жиззах областида яна 30 та гўшт-сут комплекси ишга тушади.

МАҲСУЛДОРЛИК ОШДИ

Бухоро паррандачилик фабрикасида йил бошланганидан бери 15 миллионта тухум олинди. Корхонада шу вақт ичида тухум қиладиган товуқлар сони ўзгармагани ҳолда уларнинг маҳсулдорлиги ошди. Ҳамма парранлар сермаҳсул зотлар билан алмаштирилиши, озуқадан рационал фойдаланилиши, товуқлар парваришни яхшиланиши туфайли бунга эришилди. Бу йил фабрикада ҳар бир товуқдан бўлтургига қараганда 30 та кўп тухум олиш мўлжалланди.

МЎЛ ҲОСИЛ

«Қизил Ўзбекистон» колхози Оржоникидзе районида энг юқори картошка ҳосили етиштирди. Деҳқонлар ҳар гектар ердан 180 центнердан — планда белгиланганидан анча кўп йирик картошка қазиб олмоқдалар. Райондаги бошқа хўжаликлар ҳам мўл картошка ҳосили етиштиришди.

(ЎзТАГ).

Мисрда «демократик тажриба»нинг оқибатлари

Халқаро мавзуда суҳбат

Ўтган йил май-июнь ойларида Мисрда муҳим воқеалар рўй берди. Президент Садат 14 майда Миср Араб Республикасининг халқ мажлисида сўзга чиқиб, оппозицияга қаттиқ ҳужум қилди, парламентдан «Ички фронтни мустаҳкамлаш» учун, бошқача қилиб айтганда, ўзининг сиёсий муҳолифларини бостириш учун дарҳол фавқулодда ваколатлар беришини талаб қилди. Садатнинг сўл кучларга қарши қўпол ҳужумлар билан тўлиб-тошган нутқи бошқача фикр юритувчиларни таъқиб қилишдан иборат мисли сиз кампанияни бошлаш учун катта йўл очиб берди. Сал орада бу кампания Мисрнинг таниқли жамоат арбоби Халид Мохиддин бошчилигидаги сўл миллий прогрессив партияга қарши қаратилганлиги аниқланди.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, президент Садат «сиёсий либераллаштириш» деб аталган доирада мамлакатда учта сиёсий партияни — ўзи маъназий йўлбошчи бўлган ҳукуматга тарафдор марказчи партияни ҳамда опозициядаги ўнг ва сўл партияларни тузишга рухсат берган эди. Ҳақиқатда эса ўзининг якка бошлиқ ҳокимиятини «демократия» қилиб кўрсатиш мақсадидагина Садатга оппозициядаги партияларни тузиш керак бўлганлиги маълум бўлиб қолди. Аммо ўтган бир йил сўл партиянинг кенг халқ оммаси ўртасидаги обрў-эътибори ва таъсири кучайганлигидан дарак беради. Миллий прогрессив парти« (МПП) органи «Ал-аҳоли» мамлакатда энг оммабоп газета бўлиб қолди. Газетанинг шу кунги сонларини ҳатто эрталабданоқ топиш қийин бўлиб қолди. Бу — ажабланарли ҳол эмас.

Гап шундаки, Садатнинг ички сиёсат соҳасида ҳам, ташқи сиёсат соҳасида ҳам танлаб олган йўли кейинги вақтларда кетма-кет қаттиқ маглубиятга учраб берди. Президент Исроил босиб олган Қуддусга сафар қилганидан кейин бошлаган машъум «тинч ташаббуси» нуқул Исроилга фойда бергани ҳолда, ўзил-кесил боши берк кўчага кириб қолди. Иккинчи томондан, Тель-Авив билан яккама-якка тил бириктириш ягона араб фронтида чуқур ажралишга ва халқаро майдонда Мисрнинг деярли тамомила яккаланиб қолишига сабаб бўлди. Ғарб учун «очиқ эшиклар» сиёсати мамлакатга бирон-бир фойда келтирмади, фақат унинг иқтисодий аҳволини янада оғирлаштириб қўйди ва аҳолининг меҳнаткаш табақалари зиммасига оғир юк бўлиб тушди. Садатнинг режими халқ ғалаёнларининг доимий хавф-хатари остида қолди. Ўтган йил январь ойида мана шундай қудратли халқ ғалаёни бўлиб ўтган эди. Ҳукумат уни бостириш учун шаҳарга армия олиб келди.

Шундай бир шароитда Садат режимининг сўл кучлар томонидан ҳақли равишда танқид қилинишини шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлар оммаси жуда маъқуллаб кутиб олди. Худди мана шунинг учун ҳам президент ва унинг теварагидаги кучлар ҳар қандай оппозицияни тўғридан-тўғри бостиришга қаратилган кескин чоралар кўра бошладилар. Сўл кучларга нисбатан ҳозир кувғин бошланди. Миср раҳбарларининг фикрига қўшилмаган кишиларни пропаганда органларида, ҳукумат муассасалари ва касаба союзларида ишдан бўшатмоқдалар. Прогрессив арбобларни қамоққа олиш бошланди. «Ал-аҳоли» газетаси 2 марта мусодара қилинди, МПП раиси Х. Моҳиддин парламент дахлсизлиги ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Ҳукумат назоратдаги матбуот сўл эътиқодли шахсларни «даҳрийлар» ва «марксчилар» деб айблаб, уларга қарши қаҳр-ғазаб кампаниясини олиб бормоқда.

Тараққийпарвар журналистларни ҳам таъқиб қилиш бошланди. Уз мақолаларида ҳукуматнинг ҳақиқатан халққа қарши қаратилган тадбирларини танқид қилганликлари учунгина суд жазобгарлигига тортиладиган шахсларнинг рўйхати халқ мажлиси тасдиғига топширилди. Булар орасида «Ал-аҳром» газетасининг собиқ бош редактори М. Х. Ҳайкал, шу газетанинг шарҳловчиси М. С. Аҳмад ва бошқа таниқли журналистлар бор. Ниҳоят парламент «Миллий бирликни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонун қабул қилди. Бу қонун ҳукуматга уни танқид қилувчи кишиларни жазолаш учун тўла ваколат беради.

Шундай бир вазиятда оппозиция очиқ диктатура режими мавжуд экан, ўз фаолиятини давом эттира олмаслигини рўй-рост маълум қилди. Аввало, яқинда тузилган «Янги вафд» партияси ўзини тарқатиб юборганлигини эълон қилди. Шундан кейин миллий прогрессив партия ўз фаолиятини «ўхтатиб қўйганлигини» эълон қилди. Шундай қилиб, Садатчинг «демократик эксперименти» хамманинг кўз ўнгида шарманда бўлди.

Лекин Садатнинг бундай йўллар билан мамлакатда унинг халққа қарши қаратилган сиёсати туфайли келиб чиққан кенг кўламдаги норозиликни бостиришга муваффақ бўлиши гумон. Буни ҳатто буржуа матбуотининг ўзи ҳам эътироф этмоқда. Масалан, Англиянинг «Таймс» газетаси шундай деб ёзди: Мисрда жазоваш қонунларининг жорий этилиши оппозицияни бостирмайди, фақат уни илдамлаштиради, холос.

Ю. ТИССОВСКИЙ.
(ТАСС).

• *Қурилиш майдонида*

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тилар педагогика институти студентлари 153-қурилиш тресги 14-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этаётган ётоқхона қурилишида биноқорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

500 талабага мўлжалланган ётоқхона қурилиши тез ва сифатли битказилишига А. Давронов, С. Норчаев, Х. Умбаров, Р. Хотамов сингари студентлар катта ҳисса қўшишяпти.

У. ИНОМОВ.

Маҳсулот сифати— диққат марказида

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-филиали меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида гайрат билан меҳнат қилишмоқда. Беш ойлик топшириқ муддатидан илгари бажарилиб, планга қўшимча 250 минг сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Бу ерда маҳсулотнинг сифатига алоҳида эътибор берилади. Сабаби, бирлашма Сифат белгиси билан ишлаб чиқараётган буюмларнинг аксарияти шу ерда тайёрланади. Жумладан, филиал меҳнаткашлари йил бошидан бери жами 548 минг сўмлик болаларнинг костюмларини, эркакларнинг свитерлари ва жилетларини ишлаб чиқардилар. Корхонада тикувчи мотористкалардан Л. Феоктистова, А. Петренко, О. Қосимова каби ўз ишини пухта эгаллаган чеварлар кўп.

Беш ойлик якунлари филиал меҳнаткашларининг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажаришларидан далолат беради. Улар СССР Конституциясининг бир йиллигига қадар беш йиллигининг уч йили топшириғини адо этишга аҳд қилишган.

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

КЎЧАЛАР КЎРКАМЛАШМОҚДА

Сергели районидаги Қўйлиқ, Тошкент, Йўлдош шаҳарча тарафларга борадиган 2-айлана майдон район ободончилари томонидан кўркамлаштирилмоқда. Бу ерга шу кунгача 40 минг куб метр тупроқ ётқизилди. Ирригация ва гидротехника иншоотлари трести ишчилари эса айланага пиқагич фонтанчалар ўрнатиш учун труба ётқизишмоқда. Ҳадемай бу ерга ранг-баранг кўчатлар ўтказилади. Бундан ташқари трест меҳнаткашлари ободончилар билан биргаликда аэропортдаги нўрлик атрофидаги йўлкаларнинг 500 метрига водопровод сувлари орқали сепиладиган пуркагич фонтанчалар ўрнатишди. Нилуфар ва Заречений кўчасида 4 минг сўмлик ободончилик ишларн бажарилди.

Район меҳнаткашлари хонадонларини табиий газ билан таъминлашда ҳам талайгина ишлар қилинмоқда. Яқинда Чоштепа кўчасида истиқомат қилувчи юздан ортиқ хонадон табиий газ билан таъминланди. Бу ердаги 1,5 километр ерга трубалар ётқизилди.

Ҳозир райондаги Чоштепа, Локомотив наби ўнлаб кўчаларга асфальт ётқизилмоқда. Бугунгача 900 минг квадрат метрга асфальт ётқизиб бўлинди.

• *Фан—ишлаб чиқаришга*

Самарадорлик алгоритми

«Ўзбекгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институтининг олимлари таклиф этган оператив планлаштириш системаси жорий этилгач, газ конларининг иш самарадорлиги анча ошди. Улар ишлаб чиққан метод алгоритм ва программалар газ қудукларидан ҳар куни чиқадиган газни прогноз қилишга конни ишлатиш конкрет шароитларини ҳамда план топшириқларини бажариш мақбул вариантларини назарда тутувчи аниқ графикларни электрон-ҳисоб машинасида ҳисоблаб чиқишга имкон беради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, шундай график прогнозларни жорий этишдан олинадиган йиллик самара бир неча юз минг сўмга боради.

Янги линия

«Шойи» ихтисослашган конструкторлик бюросининг коллективи пиллани навларга ажратувчи линияни тайёрлаш бўйича олиб борилган ишларни ниҳоясига етказди ва уни фойдаланишга тақдим этди.

Янги линия пилланы саралашдан бошлаб уни пиширишга, навларга ажратишгача бўлган барча иш жараёнларини автоматлар ёрдамида бажаришга шароит яратади. Линия ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан меҳнат унумдорлиги 16 марта ошади.

Ҳозир республикамиз ипакчилари олдида шойи етиштиришни янада кўпайтириш вазифаси турибди. Шу боисдан ҳам колхоз ва совхозларда бу қимматбаҳо маҳсулотни кўпайтириш учун барча тадбирлар амалга оширилияпти. «Шойи» ихтисослашган конструкторлик бюросининг ходимлари бу борадаги ишларнинг ҳаммасини механизациялашни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб билмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар изланишни давом эттиришяпти.

Пишиқлигига кафолат бор

Қирғизистонда Норин дарёсида қурилаётган Қурумсой ГЭСи тўғонининг Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг механика ва иншоотлар зилзила бардошлиги институти олимларининг методикаси асосида ҳисоблаб чиқилган лойиҳа варианти пишиқлигига тўла кафолат берилгани ҳолда 6 минг тонна бетонни, ўнлаб тонна металлни тежашга имкон беради. Буюртмага биноан ишлаб чиқилган бу методика конструкцияларнинг эластиклиги ва пишиқлигини ҳар томонлама назардан ўтказди, ҳисоблар юксак даражада автоматлаштирилишига имкон беради.

(ЎзТАГ).



Тошкент марказий телеграфида ўз касбини сидқидилдан яхши нўрган кўплаб аёллар меҳнат қилишади. Уларнинг ёрдами билан тошкентлик-лар мамлакатимизнинг турли шаҳарлари билан алоқа қилишлари мумкин. I класс телеграфчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Раиса Заверткина шулар жумласидандир. У шахсий беш йилнинг топшириқларини 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олган. Уз касбини пухта эгаллаган Р. Заверткина вақтдан ўзиб меҳнат қилмоқда. У ўз иш тажрибаларини дугоналари билан бажонидил ўртоқлашади.

СУРАТДА: Р. Заверткина.

М. Нуриддинов фотолари.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ПРАГА.** Остравадаги К. Готвальд номли Витковиц металлургия ва машинасозлик комбинатида Шимолий Чехия-нинг қорамтир кўмир ҳавзасидаги Чехословакияда энг йирик бўлган Максим Горький номли карьерда ишлаш учун мўлжалланган «К—10000» маркали одимловчи кучли экскаватор тайёрланди.

Машинанинг оғирлиги 6.300 тонна бўлиб, у бир соатда 10 минг кубометр тупроқни суриб ола олади.

◆ **БРАЗИЛИЯ.** Бразилиянинг энг йирик саноат маркази бўлган Сан-Паулу шаҳрида узоқ давом этган забастовка натижасида ишчилардан салкам 300 минг киши иш ҳақининг оширилишига эришди. «Фольяди Сан-Паулу» газетаси Бразилия ишчиларининг ўз ҳуқуқлари учун ҳаракати кучайиб бораётганлигини, уларнинг курашида касаба союзларининг роли ўсиб бораётганлигини ўқитириб мамлакат иқтисодий танглиқни бошидан кечираётган бир шароитда Бразилия меҳнаткашларининг овози тобора қатъийроқ янграй бошлаганлигини таъкидлайди.

◆ **БУЭНОС - АЙРЕС.** Уругвайнинг чет мамлакатлардан қарзи тинчлик кўпайиб бормоқда. Ана шу мамлакат марказий банкининг хабар беришича, ҳозирги вақтда бу қарз 1 миллиард 300 миллион доллардан ошиб кетган.

Сўнгги беш йил ичида Уругвайнинг чет мамлакатлардан қарзи 70 процент кўпайган.

◆ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон давлат секторига қарашли энг йирик корхоналардан бири бўлган Хардвардаги оғир электр ускуналари заводида ҳар бирининг қуввати 3.200 киловатт келадиган ва доимий ток ҳосил қиладиган генераторларнинг дастлабки туркуми тайёрланди. Совет Иттифоқининг мадади билан қурилиб, фойдаланишга топширилган бу завод мамлакат саноати учун энг кўп миқдорда электр ускуналари етказиб берадиган корхонага айланди.

◆ **ЛУСАКА.** Жанубий Африка Республикасининг ирқчи режими Африка аҳолисининг ўсиб бораётган озодлик курашини репрессиялар ва жазолаш йўли билан бостиришга уринмоқда. Мамлакатда маҳсулотлар сони юз минг кишидан ошиб кетган, улар орасида 16 ёшгача бўлган болалар ҳам бор.

(ТАСС).

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шуни маълум қиладики, Тошкент шаҳар Советининг XVI чақириқ VI сессияси 1978 йил 22 июнь куни кундуз соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) очилади.

Депутатларни рўйхатга олиш ўша жойнинг ўзида соат 14.00 да бошланади.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ЮКСАК НОМ ОЛҒА ЧОРЛАЙДИ

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати кун сайин кенг авж олиб бормоқда. Бу энг аввало, оммани сиёсий тарбиялашдаги муваффақиятлар самарасидир. Бинобарин бу ҳақда Леонид Ильич Брежнев «Оммани сиёсий тарбиялашдаги муваффақият конкрет ишлар билан ўлчанади, албатта. Коммунистик гоявийлик— билимлар, эътиқодлар ва амалий ишлар мужассамидир. Социалистик мусобақа ҳозирги вақтда юксалиб кетганлиги сиёсий тарбия билан меҳнат тарбияси бир-бирига мустаҳкам қўшилганлигининг яққол натижасидир», деган эди.

В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном билан тақдирланган бундан яққол гувоҳлик бериб турибди. Яқинда махсус мухбиримиз бирлашма партия комитетининг секретари Ф. Н. НАЖМИДДИНОВдан меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг, сўз билан иш бирлигининг кундалик хулқ-атвор нормасига айланганн, бунда идеология ишларининг таъсирчанлигини янада оширишнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Сўзни Леонид Ильич Брежневнинг партиямиз XXV съездида қилган Ҳисобот докладида айтган қуйидаги сўзларидан бошламоқчиман: «Мусобақа кўжалик ишларига, мамлакатнинг иқтисомий-сиёсий ҳаётига, маънавий вазиятга чуқур таъсир ўтказмоқда. Бундан буён ҳам социалистик мусобақани ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини ривожлантираверш бизнинг муштарак жанговар шиоримиздир». Дарвоқе, коллективимиз ўртасида социалистик мусобақанинг юксак савияда ташкил этилгани, ишлаб чиқаришнинг юқори маданияти, цехларнинг ҳозирги замон техникаси билан жиҳозланган, ишчи-хизматчилар ўртасида меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини муттасил кенг тарғиб қилди. Бу борада идеология ишларининг барча воситаларидан муваффақиятли фойдаланилди. Ана шулардан бири мусобақа натижаларини кўргазмали агитация воситалари орқали оператив равишда таъсирчан формаларда ёритишдир. Партиямиз XXV съезди қарор ва ҳужжатларида идеология ишларининг самарадорлигини оширишнинг янги вазифалари ойдин белгилаб берилган эди. Бу оммани тарбиялаш ишига комплекс ёндошувдан иборат. Кўргазмали агитация бизнинг қўлимизда идеологик таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаси бўлмоқда.

— Ана шу таъсирчанликни оширишда конкрет қандай ишлар қилинмоқда? Қандай воситалардан фойдаланилляпти?

— Бирлашмамизда кўргазмали агитация бўйича тузилган совет ранг-баранг формаларни тавсия этяпти. Корхонамизда меҳнат коллективлари социалистик мусобақаси натижаларини ўз вақтида ёритиш, уларни янги зафарларга чорлаш мақсадида стендлар, виставкалар ташкил этилган. Махсус стендларда ҳар куни «Чақмоқлар» чиқиб туради. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш учун қурашда уларнинг таъсири катта бўлмоқда.

Биз шиор, плакатларнинг ёзувлари қисқа, лекин таъсирчан бўлишига интиламиз. Сатирик варақалар, комсомол прожектори ва халқ контроли варақаларида ишчиларни янада самарали ва сифатли ишлашга чорлаймиз. Бизда барча рейдларнинг натижалари дарҳол кўргазмали агитация воситалари орқали эълон қилиб борилаётгани учун ҳам уларнинг таъсир кучи катта бўлмоқда. Асосий мақсад ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари эришаётган марраларга бошқаларни ҳам чорлашга қаратилмоқда. Бу биринчи галдаги вазифадир. Ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёйиш, илғорлар тажрибасини пропаганда қилиш янги муваффақиятлар гаровидир. Машҳур фрезерчи Альбина Александровна Девятова «Ўнинчи беш йилликда сифат учун ишчи кафолати» билан меҳнат унумдорлигини икки баробар оширайлик» ташаббуси билан чиққан эди. Қисқа вақт ичида бу ташаббус бирлашма коллективи ўртасида кенг қўллаб-қувватланди. Н. Манонов, В. Тарасенко, Г. Акулов ва бошқа кўплаб меҳнат пешқадамлари ана шу ташаббус асосида ишлаб катта муваффақиятларни қўлга киритишди.

— Яна қандай ватанпарварлик ташаббуслари пайдо бўлди? Бу ташаббусларни кенг ёйиш йўлида нима тадбирлар кўрилди?

— Бирлашмамиз колдективи ўртасида «Унумсиз харажатларга асло йўл қўймайлик» ташаббуси ҳам кенг ёйилди. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир ишчи ўз дастгоҳи ёнига барвақтроқ келиб уни ишга шайлаши, бирон дақиқа ҳам иш вақтини зое кетказмаслиги керак. Бу меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги вазифаларн ойдин белгилаб берилган эди. Бу оммани тарбиялаш ишига комплекс ёндошувдан иборат. Кўргазмали агитация бизнинг қўлимизда идеологик таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаси бўлмоқда.

— Ана шу таъсирчанликни оширишда конкрет қандай ишлар қилинмоқда? Қандай воситалардан фойдаланилляпти?

— Бирлашмамизда кўргазмали агитация бўйича тузилган совет ранг-баранг формаларни тавсия этяпти. Корхонамизда меҳнат коллективлари социалистик мусобақаси натижаларини ўз вақтида ёритиш, уларни янги зафарларга чорлаш мақсадида стендлар, виставкалар ташкил этилган. Махсус стендларда ҳар куни «Чақмоқлар» чиқиб туради. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш учун қурашда уларнинг таъсири катта бўлмоқда.

Биз шиор, плакатларнинг ёзувлари қисқа, лекин таъсирчан бўлишига интиламиз. Сатирик варақалар, комсомол прожектори ва халқ контроли варақаларида ишчиларни янада самарали ва сифатли ишлашга чорлаймиз. Бизда барча рейдларнинг натижалари дарҳол кўргазмали агитация воситалари орқали эълон қилиб борилаётгани учун ҳам уларнинг таъсир кучи катта бўлмоқда. Асосий мақсад ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари эришаётган марраларга бошқаларни ҳам чорлашга қаратилмоқда. Бу биринчи галдаги вазифадир. Ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёйиш, илғорлар тажрибасини пропаганда қилиш янги муваффақиятлар гаровидир. Машҳур фрезерчи Альбина Александровна Девятова «Ўнинчи беш йилликда сифат учун ишчи кафолати

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ф. СОДИҚОВА: Тошкентда бухгалтерлар тайёрлайдиган курслар бор деб эшитдим. Ижни бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Тошкент шаҳрида турли молиявий органлар учун мутахассислар тайёрлайдиган учта техникумдан ташқари яна Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси ҳисоблаш холимлари кадрлари тайёрлайдиган бошқармасининг Тошкент область ўқув комбинати ҳам бор. Бу ерда қисқа муддатли ўқувлар бўлади. Шунингдек, халқ хўжалиги барча тармоқларининг бухгалтерлари малакаси оширилади ва механизациялашган ҳисоблаш кадрлари — ҳисоблаш машиналарининг операторлари, ҳисоблаш машиналари бўйича лойиҳачилар ва механиклар тайёрланади. Ўқув комбинати Тошкент шаҳар, Луначарское шоссеси, 42-уйда жойлашган.

* * *

А. РАҲИМЖОНОВ: Республика Билимлар уйида олий ўқув юртларига кирувчилар учун машғулотлар ўтказилар экан. Айтингчи, бу ердаги машғулотлар качон бошланади ва бу машғулотларда қандай фанлардан консультациялар ўтказилади?

Жавоб: Гапингиз тўғри. Республика Билимлар уйи олий ўқув юртларига кирувчи абитуриентлар учун машғулотлар ташкил этди. Биринчи поток учун машғулотлар 10 июндан бошлаб юборилди. Бу машғулотлар 30 июнгача давом этади. Иккинчи поток учун машғулотлар эса 1 июлдан 30 июлгача ўтказилади. Гуманитар факультетларига кирувчи абитуриентлар учун тарих ва адабиётдан машғулотлар ўтказилмоқда. Бу машғулотларга билетлар Билимлар уйи кассасида эрталаб соат 10 дан сотилади. Ўзингизни қизиқтирган барча масалаларга 56-77-57, 56-85-58, 56-69-84, 56-86-79 рақамли телефонлар орқали маълумот олишингиз мумкин.

* * *

Ғ. ЗИЁМОВ: Шаҳримиздаги комиссион магазинларга мотоциклларни ҳам сотишга топширса бўладими?

Жавоб: Ҳа, бўлади. Чилонзор массивининг 5-квартали, 1-уйда жойлашган «Ташкомиссионторг»нинг 6-магазини барча маркадаги мотоциклларни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини аҳолидан қабул қилиб олиб, реализация қилади.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Шу куни ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колонанинг экскаватор ҳайдовчиси Ю. С. Бодагов шахсий ЗАЗ /—968 маркали 49— 47 ТНН автомашинаси рулини ўғли —гидромелиорация техникумининг учинчи курс студенти Анатолийга бериб қўйди. Ваҳоланки, ота-болада транспорт бошқариш гувоҳномаси йўқ эди. Бунинг устига уларнинг иккаласи ҳам маст ҳолда эди.

Улар олдинда боратёган автомобилни кувиб ўтаман деб, «Запорожец»ни олдинги машинанинг орқасига олиб бориб уришди. Тўқнашув натижасида иккала «қаҳрамон» шаҳар касалхонасига келтирилди. Улар ҳақидаги материал эса, Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекциясининг маъмурий комиссиясига ҳавола этилди.

Адабиёт ва Санъат

ПУШКИНГА БАҒИШЛАБ

Куни кеча Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида рус поэзиясининг қуёши, улуғ шоир А. С. Пушкин ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечани Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари И. Мўминов очди. Филология фанлари доктори, профессор Л. Қаюмов, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати С. Мамажонов ва адиб Насрулло Охундийлар сўзга чиқиб шоир ижоди ҳақида гапиришди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленнесининг секретари Борис Пармузин, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреатлари Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, шоир Туроб Тўла, болалар шоири Қуддус Муҳаммадий ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Нормурод Нарзуллаев, Гулчеҳра Нуруллаева, Эркин Воҳидовлар Пушкинга бағишланган шеърларини ўқиб беришди.

Кечада Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин, Ўзбекистон ССР Маориф министри С. Шермуҳамедов иштирок этишди.

М. МИРЗАЕВ.

ТЕАТР САҲНАСИДА

Навоий номидаги Давлат академик Катта театри санъаткорлари шу кунларда П. И. Чайковскийнинг «Пиковая дама» операсини катта муваффақият билан намойиш этмоқда. Тошкент театри саҳнасида бу операнинг яна қўйила бошланиши шаҳардаги барча музика ва театр жамоатчилиги учун катта байрамдир.

Операдаги бош ролларни Ўзбекистон ССР халқ артисти Г. Ханеданьян ва Прагада бўлиб ўтган вокалистларнинг халқаро конкурси дипломанти А. Рябовалар зўр маҳорат билан ижро этишмоқда.



Ёзувчи Шуҳрат—60 ёшда

Ижодий етуклик

Мана, менинг иш столимда Шуҳратнинг ҳар хил— катта-кичик, ранг-баранг безакларда кейинги 30—40 йил давомида ҳар хил шаҳарлар, ҳар хил нашриётларда чоп этилган китоб ва китобчалари. Булар ичида унинг ўнлаб шеърий китоблари ва йирик учта романи бор. У 1969 йилда асарларини йиғиб уч томлик танланган асарлар сифатида ҳам нашр қилдирди. Бу китоб ва китобчаларни варақлайман. Варақлаб бу сермаҳсул адиб ва шоир ижоди хусусида бир зум хаёл сураман: у нималар тўғрисида ёзмаган, нималарни ўзининг поэтик оламидан, адиблик мушоҳадасидан ўтказмаган, ҳаётнинг қайси бир томони билан қизиқмаган, нималарни кўриб, эшитиб истироб чекмаган, нималарни ҳис қилиб чексиз кувонмаган? Ўзимни кўп уринтирмасдан жавоб топаман. У ўзи яшаб ижод этган давр ҳаётининг ҳамма томонлари билан қизиқди, фақат бугина эмас, кўрган - кечирганлари асосида пайдо бўлган ҳиссиёт оламига бошқаларни ҳам шерик қила олди. Ўзи ўсиб улғайган она-Ватани, унинг ўзига яраштан урф-одатлари, ҳаёт ва меҳнат тарзи, қўлга киритган ютуқлари, ҳусни-жамоли — булар ҳаммаси Шуҳратни қизиқтирди. У нималар тўғрисида ёзмасин, ўзининг қандай ҳис ва туйғуларини изҳор қилмасин, унинг асарлари «халқ», «ватан», «эл» тушунчалари билан бошланади, шу тушунчалар билан тугалланади. Зотан у ўзининг бутун ижодини «элга бир ёдгор» деб билади.

Шуҳрат ижодининг асосий объекти инсон, унинг ҳис-туйғулари, унинг ҳар хил фаслдаги, унинг ҳар хил босқичдаги сирли кечинмалари, дард-алами ва изтиробларидир. Ўзининг бу хилдаги ҳис ва туйғуларини айтиш учун шоир ҳар хил йўллар топади. Елдек югуриб, чакмоқдек чақнаб юрган ёшлик пайтларини эслайди; эсдан чиқмайдиган илк муҳаббатини тасаввур қилади; ёри билан бирга ўтказган унутилмас дамларини, ширин суҳбатларни хаёлидан ўтказади, сочига тушган биринчи оқ толани кўриб маълум бир босқичга бориб қолган умрига якун ясагандек бўлади... Шу йўллар билан одамлар аро кўз илғамас, сирли муносабатларга назар ташлайди, ўзининг поэтик ҳукмини чиқаради. Бу ҳукм доим ҳаётий, доим объектив—доим оптимистик оҳангда. Шуҳрат ижодда замон билан бирга қадам ташлайди, у ўзининг поэтик қаҳрини неча йиллар дунёни, инсон ҳаётини таҳликага солган фашизм зулматини қоралашга, янги уруш оловини ёқишга уринибгина қолмай, тўпларни ғилофдан чиқаришга жазм қилган кимсаларга қаратади. Жангчи шоир сифатида ўзининг қарийб ҳар бир шеърида у шеърхонни ўтмишга, фашизм яратган қора кунларга қайтариб, бир зумгина бўлса ҳам тарихда мисли йўқ ваҳшийликларни эслатади, шоирона ҳайрат, газаб изҳор этилади:

Оналар бағридан олинса гўдак,
Келинлар номуси этилса барбод
Ўғирлаб кетилган
рус боласига
Лондонда қўйилса
инглизча от.

Бу мисраларни ёзиш учун фақат шоир бўлиш етарли эмас. Бундан ташқари ҳаётни чексиз севган инсон, ўз маслагида мустаҳкам турган гражданин бўлиши ҳам керак. Шуҳрат шу хилдаги инсон шоир, шу хилдаги ўз элининг гражданидир.

Танқидчи ва адабиётшунос Умарали Норматов таъкидлаганидек Шуҳрат воқеабанд шеърлар муаллифи, бошқача қилиб айтганда «сюжетпараст» шоирдир. Унинг аксарият шеърлари митти сюжетлар асосида яратилган. У айтмоқчи поэтик фикрини фақат шеърий оҳангга эмас, фақат топилган образли ибораларгагина эмас, балки шоирона топилган сюжетга ҳам юклайди.

Шуҳрат б а д и и й ижодни анча эрта бошлаган. Шоирнинг ўз ижорига қараганда, унинг биринчи шеъри 1934 йили «Ёш ленинчи» газетасида эълон қилинган экан.

Унинг уч томлик танланган асарларига киритилган энг дастлабки шеърларидан бири «Кичик саргузашт» 1937 йилда, яъни шоир 18 ёшларда бўлган пайтда ёзилган экан. Кўп ўтмай Шуҳрат «Орзу ва қасос» поэмасини ёзади.

Бу поэманинг умум маъмуни, поэтик структураси шуни кўрсатадики, шоир ўша даврларда адабиётимизда пайдо бўлаётган муҳим бир тенденцияга — меҳнаткаш халқ вакилларининг синфий уйғониши, ўз-ўзини англашини кўрсатишга жўр бўлди. Поэманинг қаҳрамони оддий меҳнаткаш йигит Самар Пўлчи, Ғафур типидаги шахс. У ҳаётдан ҳақиқат излайди, аммо топа олмайди, инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмайди, шу йўлда ҳалок бўлади.

Улуғ Ватан уруши йиллари... Ҳаётининг бу даврларини шоир шундай эслайди: «Институтни битиргач, 1940 йил кузида Совет Армияси сафига чақирилганимча Улуғ Ватан уруши бошланиб кетиб, фақат урушнинг охирги йилидагина ярадор ва контузия бўлиб уйимга қайтдим. Гарчанд фронтда мунтазам ижод этолмаган бўлсам ҳам. қачонлардир бу севимли ҳунаримга қайтиш иштиёқи бир лаҳза ҳам хаёлимдан кетгани йўқ. Баъзан завқ-шавқимни, ёки душманга нафратимни қоғозга тушириб қўяр эдим».

Назаримизда мана шу қоғозга туширилган завқ-шавқлар, нафратлари асосида шоир «Фарзанд» номли поэмасини яратди.

Поэмада казаклар эли анъаналарини маҳкам ушлаган, қабрда ётган қаҳрамон отаси учун. униб-ўсган она хутори учун, ҳижронда қолган гўзал ёри учун фашистларга қарши жанг қилиб қаҳрамонона ҳалок бўлган казак фарзанди Волин образи яратилади. Поэма шоирнинг фронт таассуротлари асосида яратилган биринчи асари эди. Кейинчалик тартибга соли н г а н «Шинелли йиллар» дафтари ҳам худди ўша фронт «завқ-шавқлари» ва нафратлари» асосида ёзилди.

Шуҳрат кундалик ҳаётидан қай даражада илҳомланмасин, у яқин ўтмишини, бошидан ўтказган жангу жадал йилларини, устида шинель, қўлида қурол билан босиб ўтган йўлларини, кўрган-кечирганларини қайтакайта эсламасдан иложи йўқ эди. Эслаганда ҳам каттароқ планда, шеърларга нисбатан кенгроқ шаклда эслаш керак эканини сезарди. Бунинг учун катта кўламли энг қулай жанр проза эканини англади.

«Мени прозага даъват этган омил нима— ҳозир ҳам аниқ билмайман,— деб ёзади Шуҳрат, — лекин унга бўлган иштиёқ шундай бир куч билан туғилдики, йиллар ўтган сари мени янада ўз багрига қамраб олаверди. Эҳтимол бунинг сабаби ёшим улғайиб борганидан, эҳтимол Улуғ Ватан уруши фронтларида «улкан ҳаёт»ни бевосита ўз кўзим билан кўриб келганимд а н д и р». «Балки ҳар иккаласи ҳамдир», деб қўшиб қўйгимиз келади. Бироқ прозага ҳам тезлик билан йўл топилавермайди. Узоқ-узоқ йиллар, «уйқусиз тунлар», тинимсиз мутолаа бошланади. Ёзувчининг ўз сўзларига қараганда, Лев Толстой, И. С. Тургенев, А. П. Чеховлар унга ёрдам қўлини чўзгандек бўлади. Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар эса мадад беради.

Фронт воқелигини акс эттириш «мени шунчалик қамраб олдики, кечалари ухлолмай қолдим», дейди Шуҳрат. Шу уйқусиз тунларнинг меваси бўлиб, «Шинелли йиллар» романи дунёга келди!»

«Шинелли йиллар»ни роман-хроника деб аташ мумкин», деб ёзади Умарали Норматов. Бу гапда жон бор. Сабаб асарнинг бонларидан тортиб, севги фожиаларигача шу масалага бўйсундирилгандир. Энг муҳими бу роман ўзбек китобхонига Улуғ Ватан урушининг бевосита иштирокчиси томонидан яратилган солнома. тарихий гувоҳнома сифатида қадрлидир.

Шоирнинг «Одамлар, обидалар», «Дунай соҳиллари» сингари туркумлари хусусида ҳам худди шу фикрларни айтиш мумкин. У кўҳна шаҳар Бухорода туриб чет эл саёҳатчиси билан баҳсга киришадими. Ўтмишда инсон қалбига даҳшат солиб фожиалар кўрки бўлган, эндиликда санъат мўъжизасига айланган басавлат минора ҳақида гапирадими. инглиз тамғаси босилган гильзага кўзи тушадими, Зарафшоннинг охирги томчи суви билан ўсган боғ-роғларни кўрадими — булар ҳаммасида шоир ўзи ўсиб улғайган заминда мустаҳкам турганини сезади. қора ўтмишга чексиз қаҳрини, бугунги кунга бекаҳд меҳрини изҳор қилади. Худди шу хилдаги ҳис ва туйғулар унинг «Дунай соҳилларида» туркумига кирган шеърларига ҳам хос. Бироқ бу туркумга бошқачароқ бир кайфият — иккинчи жаҳон урушида инсонни даҳшатли офатдан сақлаб қолган қаҳрамонлар хотирасига бош эгиш, шу муносабат билан янги уруш оловини ёқмоқчи бўлганларга кескин муносабат билдириш кайфияти ҳам омухта бўлганини кўрамиз.

Шуҳрат ижоди ҳамон етуклик сари кўтарила борар эди. «Шинелли йиллар»нинг ёзилиши муносабати билан катта асарга хос сюжет қурилиши йўлларидаги дардли изланишлар, балладалардаги митти драматик ситуациялар яратишдаги машаққатли уринишлар адиблик қаламини санъаткорнинг нозик сирларини эгаллашга чорлай бошлади. Ниҳоят олтмишинчи йилларнинг ўрталарига келиб Шуҳрат каттароқ кескин драматик. балки фожиавий сюжет устида иш бошлади. Шу йўсинда унинг «Олтин занглама» романи майдонга келди.

Роман шундай майдонга келдики, Шуҳрат бу асарнинг яратилишида қарийб ўттиз йиллик машқлар тажрибасини бир нуқтага йиғди, бор поэтик ҳис ва туйғуларини. прозаик мушоҳадаларини сафарбар қилди. Энг муҳими шуки, адиб бу ерда ҳам асар учун материал терганда яна ўз ҳаёт йўлига. кўрган-билган ва бошдан кечирганларига мурожаат қилди.

Роман қаҳрамонларини биз ўттизинчи йилларнинг мураккаб воқеалари. Улуғ Ватан урушининг оғир кунлари фонида кўрамиз. Асарнинг бош қаҳрамони Содиқ ўша даврда бўлиши мумкин бўлган ҳаётнинг ҳамма мураккабликларидан. бошқача қилиб айтганда, «социал чигирик»дан ўтди. У умрининг олижаноб умидорзулар билан тўлибтошган бир пайтида фисқи-фасод ва туҳматлар ҳоким бўлган муҳитга тушиб қолади. Шу туфайли у ўз бошидан оғир-оғир ҳолатларни ўтказади. Муҳит олижаноб умидорзуларининг амалга ошишига монелик қилса ҳам унинг инсоний-лик хислатларини сўндира олмайди. Ҳар бир қадамда ўз манфаатини ўйлайдиган, бу йўлда ҳар қандай қабиҳликлардан ҳам қайтмайдиган ғаразгўйлар билан дуч келганда ҳам, эгри хулосалар чиқариш йўлида қилни қирқ айиришга уринадиганлар билан дуч келганда ҳам у ўзлигини сақлай олади. Китобхон шундай хулосага келадики, ҳаёт ўзи олий ҳоким. Роман сюжетининг ривожи давомида бошқалар ҳаётига хуруж қилишга одатланган нопоклар босқичма-босқич фош бўлаборади. Содиқни олтин сингари ўтда куймайдиган. сувда зангламайдиган, ўз қадри-қимматини йўқотмайдиган ҳақиқий инсон эканини англаб оламиз.

«Олтин зангламас» романини яратиб турибШуҳрат йирик проза сирларини эгаллаб олди. Адибнинг ишида энди ўзига ишонч, етарли тажриба пайдо бўлди. 60 йилларнинг охирларига келиб Шуҳрат янги роман устида ишлай бошлади. Бу «Жаннат қидирганлар»дир. Асарда Шуҳрат ижобий қаҳрамонларнинг олижаноб хислатларини очиб бериш, салбий образларни тўла фош қилиш йўлида романбоп. ниҳоятда кескин ва мураккаб вазиятлар ярата олди. Шу боисдан роман жуда жозибали ва ўқимишлидир.

«Ҳар бир гулнинг бир ҳиди бор» деганларидек адабиётда ҳам ҳар бир жанрда ишлашнинг ўз гашти бўлса керак. Шуҳрат шеърларида. баллада ва поэмачиликда, хусусан романчиликда ўз истеъдодини синовлардан ўтказгач. янги бир жанрга — саҳна асари яратиш ишига қўл урди. Бу ишда ҳам у энг мураккаб жанрни — комедияни танлади. 60 йилларнинг охирларида ҳалигача саҳнадан тушмай келаётган «Беш кунлик қуёв». 70 йилларнинг ўрталарида «Қўша қаринглар» комедияларини яратди. Бу икки асарда ҳам адиб ҳаётнинг ўзидан келиб чиқадиган комик ситуациялар яратди.

Шуҳрат етуклик ёшида. У шунга мувофиқ етук ижод соҳиби. Бу етуклик аввало ўзига яқин бўлган ҳаёт материалини иложи борича тўлароқ ва мукаммалроқ қамраб олишга ҳаракат қилишда. ўз замондошлари, келажак авлодларга етказмоқчи бўлган ҳис-туйғу ва фикрларини бадиий ижоднинг энг яхши анъаналаридан унумли фойдаланган ҳолда адабиётнинг хилма-хил жанрларида талқин қила билишида — умуман ёзувчилик санъатини жамият хизматига бўйсундира билишидадир.

Тўғри. ижодий етуклик осонлик билан қўлга киравермайди. Бунга эришгунча Шуҳрат қанчадан-қанча изланишу, ижодий экспериментларни бошидан ўтказмади, қанчадан-қанча қийинчиликларни бартараф қилмади дейсиз. Бироқ бу изланиш машаққатлари дуч келган бу қийинчиликлар бир марта катта тиражда чоп этилган асарнинг тез тарқалиб кетиши, номаълум китобхондан олинган битта илиқ хат ёхуд ижодкор оқсоқолнинг битта фикри, одатдагидек партиямиз кўрсатадиган битта ғамхўрлик билан унутилади ва ижодий дарднинг энг яхши дамлари сифатида эсга тушади

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
филология фанлари доктори, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ШУҲРАТ

Ишчи тарафига

Мен сендан ўргандим меҳнат қилишни,
Мен сендан ўргандим ҳаёт мантиқини.
Сен асло билмайсан жангда қалқишни,
Сен оҳанг оламнинг нурли бир қатини!
Мен сендан ўргандим умр қадрини,
Меҳнат шарофати, дўстлик завқини.
Мен сендан ўргандим ижод дардини,
Кўзингда доимо ҳаёт ёлқини!
Сен олам тираги, олам юраги,
Сен олам кўркисаи абадул-абад!
Қидирган топади сендан керагин,
Сен ақли расосан, фикри кенг ғоят.
Сен энди мақтаниб қадоқ қўлингни,
Ва ямоқ тўнингни ҳеч қилмайсан пеш.
Сен ўзинг қайтадан очдинг йўлингни,
Илму фан йўлдошинг ва техника эш!
Сен билан ўлчайди жаҳон бўйини,
Сен билан қадрини ростлаб жаҳон.
Сен бошлаб берасан кураш куйини,
Жўр бўлиб ёнингда боради ҳар жон!
Дастгоҳда барқарор сенинг нафасинг,
Қирда ҳам баркамол қанотинг бордир.
Осмонга учган ҳам, ишчи, сен ўзинг,
Бу олам қалбингу, орзунгга тордир.
Жамият устуни сенинг кўксингда,
Сен уни мардона тутиб турасан.
Салобат, виқор бор айтган сўзингда,
Сен яшаш бобида ибрат берасан.
Назаринг оламни кезиб туради,
Истиқбол тонгидан воқиф юрагинг.
Сен билан сафдошлар мағрур юради,
Ҳамиша муаззам нурли тилагинг!
Мен сенинг қошингда бошимни эгиб,
Музаффар ишингга тасанно айтдим.
Сен юрган йўлларга гулчечак экиб,
Наслимни меҳнингга содиқ улғайтдим!
Эй, мағрур синфнинг мағрур фарзанди,
Шу мағрур замонниинг яловдорисан.
Сен энди азамат, суяк, арзанда,
Тарихнинг юк ортган улуғ норисан!
Манзилинг уфқлар оша мунаввар,
Манзилинг ҳар қалбга солар ҳаяжон.
Меҳнатда туғилган манзилинг севар,
Манзилинг нур билан йўғрилган жаҳон!
Шу жаҳон ҳурмати қўлинг бер, ўртоқ,
Дўстларинг беҳисоб, йўлинг бер, ўртоқ!

Ўзим ҳақимда

Мен орзумга етдим, дея керилма,
Нима қолди энди ёнинб дилингда?
Нима кутар сени эрта йўлингда,
Бўш ҳаётга ўзинг алдаб берилма!
Қалбда доим орзу бўлса яхшидир,
Уни қувиб яшаш яна яхшироқ!
Бири битса, бошқасини топ, қидир.
Йўлинг бўлур яна нурли ва порлоқ!
Орзу билан яшаган қалб равшандир,
Орзу билан умр йўли гулшандир.
Бу гулшандан ўзга тутма ўзингни,
Юрагингга қулоқ солгин ва қондир!
Ишон дўстим, орзусиз қалб бўлмайди,
Одам ўлар, аммо орзу ўлмайди!
Бошқа қалбга кўчиб, севиб яшайди,
Бахт уфқини доим қувиб яшайди!!

Ҳаёт нарвони

Бу ҳаёт нарвонга ўхшайди ўзи,
Энг баланд почага ҳамманинг кўзи.
Аммо у қўйилган жуда ҳам тикка,
Юксакда иқболнинг ёруғ юлдузи!
Ҳа, ҳаёт нарвони баланд жуда ҳам,
Энг баланд почага интилар одам.
Барча ҳам баландроқ чиқмоқ истайди,
Лекин муродига етган камдан-кам!

Қани юр, азизим!

Кимдандир дилингга етибди озор,
Кимдандир йўлингга тушибди кўлка.
Бу ёруғ дунёдан бўлгандек безор,
Хонада бурканиб ётмоқлик нега?
Кўз ёш ҳам тўкибсан уялмай яна,
Соқол ҳам босибди юзу кўзингни.
Тун ўтиб, ёруғ кун отмоқда, ана,
Қўлга ол азизим, ахир ўзингни!
Қани тур, дадил бўл, эл ичига кир,
Бу ёруғ жаҳонда кўзинг оч катта.
Дунёда ёмондан яхшилар кўпдир,
Яхшиси ўтадир, ёмони битта!
Битта деб ўтадан юзинг ўгирма,
Қани тур, азизим, ўксиб ўтирма!

Ёнинга борардим...

Ёнингга борардим ёнма-ён аста,
Оламга боқардим кўзим ҳавасда.
Бир маҳал югуриб кетдим олдинга,
Сен қолдинг орқамда термилиб пастда.
«Эҳ, ташлаб кетди», деб ўйлама тағин,
Олдинда хавф солган бир шарпа сездим.
Ғафлатда қолмасин, дея ўртоғим,
Мен сендан олдинроқ югуриб ўздим!

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Илҳомбахш мавзу

Санъат музейидаги қатор асарларда доҳий В. И. Ленин сиймоси гавдалантирилган. Булар музейнинг ўзига хос «Ленинном»сини ташкил этади. Шундай асарлардан бири Ўзбекистон рассомларидан А. Н. Волковнинг «В. И. Ленин» портрети доҳийнинг иш фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Доҳий ўз хонасида қўл ёзмаларини оқиш чеҳра билан кўздан кечирмоқда. Хона китоб ва бошқа ҳужжатлар билан тўлиб-тошган.

Ёш рассом В. И. Бурмакиннинг «В. И. Ленин шошилинч йилларда» асарида эса гражданлар уруши даври намоён бўлади. Хавф остида қолаётган Совет давлатини сақлаб қолиш учун В. И. Ленин телефонда тегишли жойлар билан гаплашмоқда. Доҳий жонкуяр ўта ҳаракатчан раҳбар сифатида ифода этилган.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Самит Абдуллаев ҳам доҳий В. И. Ленинга атаб бир қанча асарлар яратган. Шундай асарларидан «Дўстлик» полотноси республика тасвирий санъати бўлимида намойиш этилаётир.

...Полотнонинг марказида В. И. Ленин Европа ва Ўрта Осиё халқлари вакиллари орасида мамнун турибди. Икки мамлакат вакилларидан икки киши бир-бирларининг қўлларини маҳкам қисишмоқда Дўстлик ғояси картинани юқориги икки томонига «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!», «Яшасин халқлар ўртасидаги дўстлик!» шиорлари янада аниқ осилган. Рассом асари орқали доҳий ва унинг сўнмас ғоясини улуғлайди.

Рассом М. А. Вербов яратган В. И. Ленин образи диққатга сазовордир. Доҳий ширин орзулар билан тўлиб-тошган, фидоий инсон сифатида гавдаланган Рассом «В. И. Ленин» портретини 1974 йили шахсий ижодхонасидан такрор ишлаб, музейга тақдим этган эди. Портрет ҳозир иттифоқдош республикалар санъати бўлимида намойиш этилмоқда.

Оркестрнинг довруғи

Тошкент Давлат маданият институти эстрада оркестри зўр довруғ қозонган. Оркестр солистларининг чиқишларини биргина шу олий ўқув юртидагина эмас, балки бошқа жойларда ҳам олқишлашган. Жумладан, «Юлдуз» маданият уйида. «Баҳор» концерт залида, электромеханика техникумида ҳаваскорлар ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Яқинда студентлар оркестри Тошкентдан ташқарида ҳам биринчи марта гастролда бўлди. Пойтахт областидаги Ангрен ва Красноворск шаҳарларида ёш оркестр саккизта концерт берди.


Шуни айтиш керакки, студентлар оркестри бераётган концертларда эстрада қўшиқлари. Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари янграмоқда. Учинчи семестр пайтида санъат шайдолари мамлакатимиздаги турли олий ўқув юртлари студентларига хизмат кўрсатишади.

(Газетанинг навбатдаги сони 21 июнда чиқади).

Редактор
ўринбосари
С. Б. ЁКУБОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
3 БЕТ.

19 ИЮНЬ, 1978 й.



ЛАТВИЯ ССР. Юрмаладаги Рига денгиз соҳилида курорт мавсуми бошланди. Бу йил санатория. дам олиш уйи, пансионатларда 120 минг киши дам олади.

Бу ерга путёвкасиз келган дам олувчилар учун ҳам қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш учун махсус шаҳар совети ташкил этилган. Бу совет икки йил мобайнида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган 60 минг меҳмонларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун яқиндан ёрдам берди.

СУРАТЛАРДА: Юрмаладаги Дубулти станциясида янги темир йўл вокзали. Ўнгдаги суратда денгиз соҳили тасвирланган.

ТАСС фотохроникаси.



ҚУЛАЙ, ТОЗА ВА ТЕЗ!

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

СИЗНИ ШАҲРИМИЗНИНГ ҲАММА РАЙОНЛАРИДАГИ 64 ТА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

Қабул пунктларининг адреси, иш вақти ва дам олиш кунларини эслатиб ўтамиз.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

23— Уйғур кўчаси (8-трамвайнинг «Кўкча» бекати), соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

19 — У. Юсупов кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

25 — Улуғбек маҳалласи, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

43 — Навоий кўчаси, 30 «а»-уй; «Сервис» марказий уйи, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

49 — «Молодежная» меҳмонхонаси, соат 9.00 дан 19.00 гача ишлайди;

53 — Марказ—27, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

2— Ҳамза кўчаси, Ҳақиқат проезди, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

9— «Оқтепа» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 8.00 дан 20.00 гача ишлайди (дам олиш кунисиз).

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ — ЯКШАНБА ВА ДУШАНБА.

С. РАҲИМОВ РАЙОНИ

45—2/3 «Қорақамиш» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

32— 2-«Қорақамиш» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

48— ТошМИ шаҳарчаси, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

54— 1/4-«Қорақамиш» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди;

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ — ЯКШАНБА ВА ДУШАНБА.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

3— Ш. Руставели кўчаси, 132-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

5— Ш. Руставели кўчаси, 28-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

6— Фрунзе бозори, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

33— Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ётоқхонасида, соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба ва душанба;

39— «Россия» меҳмонхонаси, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — шанба ва якшанба;

60—Абразив буюмлари комбинати, А. Қаҳҳор кўчаси соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— шанба ва якшанба;

ЛЕНИН РАЙОНИ

16— ЦУМ (трамвайларнинг сўнгги бекати), соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

29 — Стародубцев кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.



Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

4 — Ленин кўчаси, 75-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

27— Олтинкўл кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

42— «Қўйлиқ» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

59 — Гайдар ва Сариқулская кўчалари муюлиши, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба ва душанба;

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

2 — Пушкин кўчаси, 77-уй, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

3 — Новомосковская кўчаси, 23-уй, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

21— «Высоковольтний» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди:

1 — Луначарский шоссеси, «Маиший хизмат уйи», соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

50 — Трактор заводи, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

55— «Зарафшон» меҳмонхонаси, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

62 — ТИИИМСХа ётоқхонаси.

63 — Высоковольтний массиви.

КИРОВ РАЙОНИ

24 — Каракумская кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

35— Туркқўрғон кўчаси, 19-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди;

34— Марказ—5, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

44 — «Юнусобод» массиви, А—1, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари —якшанба ва душанба;

46 — Аҳмад Дониш кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

40— «Тошкент» меҳмонхонаси, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба ва душанба;

Министрлар Совети биносида — соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— шанба ва якшанба;

47 — «Юнусобод» массиви, А—3, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

17—Муқимий кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба ва душанба.

7— Гагарин кўчаси, 6-уй, соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди;

13— «Мевазор» массиви, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба ва душанба;

14 —Олмазор кўчаси, 189-уй.

28— «Чилонзор» массиви, 19-квартал, 32-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба ва душанба;

10— «Чилонзор» массиви, 17-квартал, 52-уй, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— якшанба ва душанба;

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

22— «Чилонзор» массиви, 11-квартал, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба.

30— «Чилонзор» массиви, 26-квартал, соат 9.00 дан 18.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.

38— «Чилонзор» массиви, 22-квартал, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Дам олиш кунлари — якшанба ва душанба;

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

11— Спутник шаҳарчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

18— Эски Сергели посёлкаси, соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ— ЯКШАНБА ВА ДУШАНБА.

ҲАМЗА РАЙОНИ

36— Уйсозлик комбинати, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

41— «Комсомол 40 йиллиги» кўчаси, «Маиший хизмат уйи», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

52— «Қўйлиқ» массиви, «Узбум», соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ— ЯКШАНБА ВА ДУШАНБА.

Агар Сизга кийимларингизни зудлик билан тозалатиш зарур бўлиб қолса, дам олиш кунисиз ва танаффуссиз (соат 8.00 дан 20.00 гача) ишлайдиган тез тозалаш филиалларига мурожаат қилиш, ни маслаҳат берамиз.

БУНДАЙ ФИЛИАЛЛАРДА ТОЗАЛАБ БЕРИШ МУДДАТИ — 24 СОАТ.

ТЕЗ ТОЗАЛАШ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ АДРЕСИ:


1 — Западная кўчаси, 1-уй, («Химчистка» фабрикаси қошида);
2 — «Чилонзор» массиви, 1-квартал, Пионерская кўчаси;
3 — Студентлар шаҳарчаси, «Маиший хизмат уйи»;
4 — 4-турар жой шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, 9-уй;
5— «Узбекистон» маиший хизмат уйи, Полторацкий кўчаси.

Фақат 2-филиалда антистатик ишлов бериш, шимлар юбкалар ва бошқа буюмларни ғижимланмайдиган қилиш каби хизматларни ҳам бажаради.

Ҳамма қабул пунктларидан тозаланган кийимларни ўраб, солиб кетиш учун полиэтилен пакетларни сотиб олиш мумкин.

Шунингдек, 6 квадрат метрдан катта бўлмаган гилам ва гилам поёндозлар, 1 метру 70 см, Х2 метру 50 см. ли тўр ва тўр маҳсулотлар ҳам тозалаб бериш учун қабул қилинади.

ФАБРИКАНИНГ КЎЧМА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ ХИЗМАТИДАН ҲАМ ФОЙДАЛАНИШНИ УНУТМАНГ. УЛАР БЕЛГИЛАНГАН КУНДА ШАҲАРДАГИ КОРХОНАЛАР ВА ТУРАР ЖОЙ МАССИВЛАРИ АҲОЛИСИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.



БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

БУ СЎЗ ЭНДИЛИКДА «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ПОЙТАХТ АҲОЛИСИ УЧУН ЯНАДА ОДАТ ТУСИГА КИРАДИ.

Эндиликда қуйидаги телефон номерларидан бирини теришнинг ўзи кифоя: 33-56-58, 96-37-41, 44-53-15, 44-61-45 ва диспетчер

БУЮРТМАНГИЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Белгиланган вақтда уйингизга фабрика вакили кириб келади ва буюртмангизни тозалаш учун олиб кетади.

МАНА БИР НЕЧА ҚЎШИМЧА СПРАВКАЛАР:

— Буюртмалар буюртмачининг қайси районда яшашидан қатъий назар, дам олиш кунисиз ҳар куни соат 8.00 дан 20.00 гача қабул қилинади;

— тозалаб бериш учун камида 5 буюм қабул қилинади;

— ҳақ тўлаш одатдаги тариф бўйича;

— уйга чақириш ва ҳар бир буюмни қайтариб уйга элтиб бериш учун қўшимча 50 тийин ҳақ ундирилади;

— буюртмани бажариб бериш муддати— 7 кун;

— буюмлар тозалаб берилгач, агар у буюртмачининг айби билан уз вақтида қабул қилинмаса, у ҳолда фақат фабриканинг узидан қуйидаги адрес бўйича олиб кетилади; Западний кучаси, 1-уй (18-автобус, 7, 14, 24-трамвайлар).

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ:

УЗ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ

хизматнинг янги усулини — уйда юмшоқ мебелларни тозалашни

ТАШКИЛ ҚИЛДИ

ПРЕЙСКУРАНТ БИЛАН ТАНИШИНГ:

СТУЛ, ПУФИК — 1 донаси, — 50 тийин.

КРЕСЛО — 1 донаси — 1 сўм.

КРЕСЛО-КАРАВОТ, КУШЕТКА, ТАХТА, БИР КИШИЛИК СОФА — 1 донаси — 2 сўм.

ДИВАН, ДИВАН-КАРАВОТ, ТАХТА, КЕНГРОҚ СОФА, ИККИ КИШИЛИК СОФА — 1 донаси — 3 сўм.

Юмушларни бажариш учун уйга чақириш, буюмларнинг миқдоридан қатъий назар, 50 тийин.

БИР БУЮМНИ ТОЗАЛАШ УНИНГ КАТТА-КИЧИКЛИГИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР 10 МИНУТДАН 40 МИНУТГАЧА.

Бу ишларни бажариш учун кўчма бригада хизмат қилади: малакали мутахассислар мавжуд буюмларни тозалашни уша жойнинг узида аниқландилар.

ҚАНДАЙ ЧАҚИРИШ МУМКИН?

Қуйидаги телефонлардан бирортасини терсангиз снзга қулай оулган вақтда хизмат кўрсатилади.

ЭСЛАБ ҚОЛИНГ: 53-20-54.

(буюртмалар шанба ва якшанбадан ташқари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади)

33-56-58

(буюртмалар дам олиш кунисиз соат 8.00 дан 20.00 гача қабул қилинади).

Бригадалар якшанба ва душанба кунлари дам олади.

Кўчма бригадаларнинг бажарган ишлари сифати бўйича таклиф ва мулоҳазаларни қуйидаги адрес бўйича хабар қилишингизни сўраймиз: Западная кўчаси, «Химчистка»-фабрикаси, дирекция (18-автобус, 7, 14, 24-трамвайлар билан борилади) ёки 53-48-33 телефони орқали хабар қилинади.

Телевизор экранида

19 ИЮНЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

16.45 Спорт программаси. Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Чехословакиядан олиб кўрсатилади. Футбол бўйича жаҳон чемпионати. ГОЛЛАНДИЯ — ГФР терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс кундалиги». 19.15 «Учинчи йил — — зарбдор йил». «Нефть комплексининг резервлари». Кўрсатувда КПСС Чечен-Ингуш область комитетининг биринчи секретари А. В. Власов иштирок этади. 20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. АРГЕНТИНА — БРАЗИЛИЯ терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Алкоголизмнинг зарари ҳақида ҳужжатли фильмлар программаси. «Жар ёқасида», «Бу кимнинг айби?», «Бир протокол тарихи». 22.30 «Украина ССР халқ артисти Н. Кондратюк куйлайди». Фильм-концерт премьераси. 23.25 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Хўрозча ва қуёш». «Этик кийган мушук». Болалар учун мультфильмлар. 18.25 Ўсмирлар учун. «Старшеклассник». 18.55 «Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Музика ва санъат билим юртлари ўқувчилари — ёш ижрочилар V Республика конкурси лауреатларининг якунловчи концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Хайгарма» татар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Галла — ризқ-рўзимиз». 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Қалдиргочлар баҳорда учиб келади». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

20 ИЮНЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Орленок» телестудияси ёш мухбирларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, халқ маорифи аълочиси Р. А. Кравчук билан учрашуви. Киевдан олиб кўрсатилади. 10.25 «П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс кундалиги». 10.55 «Киносаёҳатчилар клуби». 11.55 Халқаро конкурслар лауреати С. Лейферкус куйлайди. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 15.00 «Шайтонлар ороли». Телевизион ҳужжатли фильм (ГДР). 16.00 «Халқ оҳанглари». 16.15 «О. Гончар ижоди». 16.45 «Менинг биринчи ўқитувчим». Запорожье шаҳар 50-мактаб бошлангич синфлар ўқитувчиси М. И. Проценко ҳақида.

17.15 «Горичлар, қардасим!». 17.45 «Правда» газетасининг соврини учун енгил атлетика бўйича халқаро мусобақалар. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Концерт-вальс». Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Катта симфоник оркестри ижро этади. Дирижер — РСФР халқ артисти В. Федосеев. 19.10 «Қишлоқ ишлар ва муаммолар». 20.00 «Менинг кулгили бахтим». Леся Украинка номли Киев академик рус драма театри фильм-спектаклининг премьераси (И. Малюгин пьесаси асосида). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Ғожик совет езувчиси, олим ва жамоат арбоби Садриддин Айний туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча. 23.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Мақтанчоқ мушук саргузаштлари». Болалар учун кўғирчоқ фильм. 11.45 Телевизион театр. И. Раҳим, «Чақмоқ».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Биз сенинг содиқ ўринбосарларингмиз, комсомол». 18.30 «Сельская жизнь». 18.45 «Севимли газетамиз». «Совет Узбекистони» газетасининг 60 йиллигига. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Мерос». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Узбектелефильм»). 19.50 «Нафосат оламида». Узбекистон ССР халқ рассоми Р. Аҳмедов. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ёш ижрочилар концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ҳам пахта, ҳам гўшт». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Қалб кечирмайди». Бадиий фильм. 22.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «У ёлғиз эмас эди». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 Абитуриентлар учун консультация. Химия. 21.05 «Нива» автомобили». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 Абитуриентлар учун. Математика.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ВТОРСИРЬЁ» ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАСИ

5-этап абонементлари бўйича макулатураларни бадиий адабиётларга алмаштирувчи қабул пунктларининг иш режимига аниқлик киритади.

Шанба ва якшанба қабул кунлари ҳар бир қабул пунктида Т. Драйзернинг «АМЕРИКАНСКАЯ ТРАГЕДИЯ» (2 томлик) китобига 60 тадан, июлнинг учинчи ўн кунлигида О. Форшнинг «ОДЕТИ КАМНЕМ. МИХАЙЛОВСКИЙ ЗАМОК» (1 томлик) китобига 125 тадан абонемент тарқатади.

Ҳар ҳафта жума куни абоне мент кўрсатилгач, талонлар бўйича макулатура қабул қилинади.

15-ҚАБУЛ ПУНКТИДА

Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй, (3, 33, 54, 70-автобуслар, 9, 11-трамвайлар, 6, 7, 9, 11, 12-троллейбусларнинг «Муқимий кўчаси» бекати).

ҚАБУЛ КУНЛАРИ —душанба ва сешанбада абонементлар тарқатилади, чоршанба куни эса— талонларга макулатура абонемент кўрсатилгачгина қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг

МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ

Ёлғиз аёлларни Узоқ Шарқ балиқ саноати корхоналарядаги

МАВСУМИЙ ИШГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ДАЛЬМОРЕПРОДУКТ» ишлаб чиқариш флотилияси бошқармасига 18 дан 45 ёшгача бўлган аёллар керак.

ЖЎНАШ ВАҚТИ 29 ИЮНДА.

«САХАЛИНРИБПРОМ»га — 18 ёшдан 50 ёшгача аёллар. Меҳнат шартномаси 6 ой муддатга тузилади.

Ишга жўнаб кетувчилар учун бир вақтнинг ўзида қайтиб олинмайдиган ёрдам пули берилади, йўлда бўлган вақт учун суткалик тўланади, иш жойига етиб бориш ва шартнома муддати тугаши билан яна қайтиб келиш учун йўл ҳаражатлари ҳам тўла қопланади.

Ҳужжатларни расмийлаштириш жўнашдан 10 кун олдин тугалланади.

Справкалар олиш ва шартнома тузиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 1-қават, 5-хона ва ишга жойлаштириш бўйича район пунктлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 20/VI да **Севилия сартароши** (билетлар сотилган), 21/VIда **Пиковая дама.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 20/VI да **Ганг дарёсининг қизи,** 21/VI да **Келинлар қўзголони.**

КИНО

19 ИЮНДА

ҚИШЛИҚ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози— «МОСКВА» (17.30, 19, 20.30), «НУКУС» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруи).

Роберт плюс Тереза — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Багдасар хотини билан ажралишмоқда — «ДРУЖБА», ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Келгинди аёл— «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00), «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози— «ФЕСТИВАЛЬ» (20.50, 22.30).

Багдасар хотини билан ажралишмоқда — «ХИВА» (20.50, 22.30).

Тошкент Тўқимачилик комбинати базасидаги

85-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

йигирувчилар, ленталовчилар, ўровчилар, ростловчилар

ТАЙЁРЛАЙДИГАН

6 ОЙЛИҚ КУРСЛАРГА

8—10 синф ҳажмида маълумотли қизларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, махсус кийим, 30 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАРГА ЕТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юрти адреси: 700092, Тошкент шаҳри — 92, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй. Телефон: 53-39-01.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ

139-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Заргарлик (ўқиш муддати— 1,5—2 йил), ички коммуникациялар бўйича слесарь-сантехниклар (2 йил), мебелчи (2 йил), чинни тайёрловчилар (1—2 йил), чинига гул солувчилар (1, 5 йил), станокларни ремонт қилувчи слесарлар (2 йил), соатсозлар (1,5—2 йил).

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10-синфни тамомлаган ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини битириб чиққанлар олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга қирганларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади. 8 синф ҳажмида ўқишга кирганлар эса давлат таъминотида бўлиб, кийим-бош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 проценти тўланади.

Билим юртини тугатганлар Тошкент шаҳрида ишлайдилар.

ЎҚИШ —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақидаги справка (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: С. Раҳимов район, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй (38, 40, 49, 59, 76-автобусларнинг «Қўштут» бекати).

Тошкент область ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси шахсий состави ҳамда областдаги шаҳар ва район ички ишлар бўлимларининг шахсий составлари бошқарма бошлиги, милиция генерал-майори Ғ. З. Зокировга онаси

Фотимахон ЗОКИРХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

19 ИЮНЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 07657.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1338.